

ISSN: 2181-4147

Scientific Journal

Scholar

Volume 1, Issue 15



zenodo



TOGETHER WE REACH THE GOAL

2023/15
June

ISSN 2181-4147

VOLUME 1, ISSUE 15

JUNE 2023



<https://researchedu.org/index.php/openscholar>

UDK:81'255.2\4=512.133:821.111

ДУНЁ ТИЛШУНОСЛИГИДА КОМПОНЕНТ ТАҲЛИЛ УСУЛИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Ахмедова Дилсора Мухсиновна

Бухоро Давлат Университети, ўқитувчи

Аннотация: Ҳаракат феълларининг Европа ва ўзбек тилишуюносликларидағи тадқиқини таҳлил қилиши, шу асосда тадқиқотнинг ўзига хос йўналишини белгилаш; ҳаракат семали феълларнинг миқдори ва чегарасини аниқлаш, яъни ушибу феълларнинг семантик майдонини белгилаш; феъл – лексемаларнинг семантик таснифини амалга ошириш: уларнинг мушитарак (умумий), бирлаштирувчи, фарқловчи семаларини аниқлаш.

Калит сўзлар: семантик синтагма, лексема, сўз маъноси, семантик майдон, мантиқий бўлаклар, парадигматик ва синтагматик, семемалар.

Муҳтарам биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганлариdek: „Фикрлаш тарзимизни мустақиллик руҳига мослаштириш, бир ёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш – бугунги Маънавий тикланиш давримизнинг энг муҳим масалаларидан биридир”¹. Ушбу теран фикр бевосита тилишуюносликка ҳам тааллуқли бўлиб, бугунги кунда яратилаётган қатор тадқиқотлар, изланишлар айнан шу талабларидан келиб чиқади.

Муайян семантик майдонларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш шу йўлдаги изланишлардан биридир. Зеро, сўзларнинг муайян семантик майдонларини таҳлил қилиш ўз фалсафий қимматига эга. Чунки ҳалқ ўз тарихи, урф-одати, ҳаётий тажрибаси асосида дунёқарашини қайта қуриб, шакллантириб боради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 150-151-б.

Сўз ҳар бир сўз бирикмаси, гап ва матн кабиларнинг моддий асоси, материали бўлганлиги туфайли фикр алмашиш жараёни сўзлардан, уларнинг ўзаро семантик-синтактик боғланишидан содир бўлади. Айни вақтда бунда сўз лексик маъносининг аниқлашуви - муайян семаларнинг нутқий фаоллашуви, бошқа лексеманинг семалари билан боғланиши, муайян семантик синтагмани тузуви юз берадики, сўзнинг нутқдаги фаолиятини ўрганиш тилшуносликнинг марказий масаласига айланади. Чунки сўзнинг нутқда ўрганилиши, унинг бошқа сўзлар билан бирика олиш имконияти, семантик синтагмани тузуви, ўз маъносини тўла очиш учун муайян сўз ва сўз шаклларини талаб қилиши валентлик назариясининг субстанциал - семантик ҳодиса сифатида сўз маъноси, сўз маъносининг гапда намоён бўлиши билан боғлиқдир¹.

Сўзларнинг бирикиши, улар орасидаги мантикий алоқа аввало тил бирликларининг маъно имкониятига (субстанциал хусусиятига) кўра амалга ошади. Тилнинг алоқа воситаси сифатидаги ижтимоий - амалий, илмий қиммати ундаги бирликларнинг мазмун томонига эгалигидан, бирор тушунчани ифодалашдан келиб чиқади².

Демак, сўзларнинг семантик боғланиши бевосита улар семаларининг семантик муносабатини юзага чиқаради. Муайян сўзнинг бошқа сўз билан бирикиши унинг семантик имкониятига кўра содир бўлса, бу ҳолда талаб қилинувчи ва талаб қилувчи сўзларнинг ўзаро муносабати масаласи юзага келади. Сўзлар орасидаги семантик муносабат эса бевосита синтактик муносабатни юзага келтиради, синтактик тузилмалар тузади. Яъни, синтактик муносабат асосида семантик муносабат ётади, семантика билан синтаксис диалектик алоқадордир, аниқроғи, валентлик грамматика ва лексиканинг, синтаксис ва семантиканинг кесишиганди нуқтаси ҳисобланади³.

Сўзнинг маъно тузилиши бевосита маъно (семема) билан боғланади. Маълумки, семантик қурилишга эга бўлмаган маъно йўқ. Ҳар бир маъно

¹ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Т., 1989, 141 б.10-6.

² Расулов Р.Ў., Нарзиева Н. Лексикологияни ўрганиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992, 17-6.

³ Степанова М.Д. Теория валентности и валентный анализ. - М., 1973, с.69.

тузилишга, таркибига кўра баҳоланади. Маъно маълум бир сўзнинг мазмун томонини ҳосил қилган ҳолда ўз товуш асоси - ифода томони (шакли) билан биргаликда тил ва нутқда муайян вазифа бажаради.

Сўзнинг маъноси, маъно таркиби муайян мантиқий бўлаклардан, таркибий қисм (сема) лардан ташкил топади. Семалар сўз маъносини шакллантириб, ҳар бир маънонинг алоҳида тил «бирлиги» сифатида мавжудлигини таъминлайди. Сўз маъносининг семалари нутқда муайян дарак ташийди. Демак, сўз маъносининг кичик мантиқий, таркибий қисмлари ўзаро барқарор бутунлик (система) муносабатида бўлиб, маънонинг нутқий «ифодаси» сифатида хизмат қиласиди. Демак, юқорида таъкидланганидек, сўзнинг маъно тузилишини ўрганиш, таҳлил қилиш, сўз маъносининг мантиқий бўлакларини аниқлаш, таркибий қисмларининг хилларини белгилаш, ҳар бир семанинг маъно (семема) таркибидаги ўрни, аҳамиятини ёритиш, бошқа семаларга бўлган муносабатини очиш - маънолар орасидаги мантиқий алоқани топиш (семантик синтагмани ҳосил қилиш) - шунга кўра сўзларнинг ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатларга кириш, сўзлар қаторини тузиш, парадигматик муносабатдаги сўзларнинг бир - биридан фарқлаб турувчи семаларини аниқлаш, топиш имконини беради. Бу натижалар эса семасиология, лексикография, лексикология, компьютер лингвистикаси, умуман, тилшунослик учун илмий - амалий аҳамият касб этади. Шунга кўра инглиз ва ўзбек тилидаги феълларнинг, хусусан, фаол ҳаракат семали феълларнинг маъно тузилишини, таркибини алоҳида ўрганиш муҳим.

Ҳаракат феъллари стузилишини белгилашда, асосан, лингвистик - семантик назариядан - унинг дифференциал - семантик таҳлил қилиш усулидан фойдаланамиз. Чунки сўз маъносини таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш усули, яъни компонентли таҳлил (бундан сўнг КТ)¹ усули сўз маъно таркибини, тузилишини аниқлашда энг асосий ва қулай усул ҳисобланади. Маълумки, лексема семасини таркибий қисмларга, семаларга ажратиш таҳлил усули деб

¹ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002, 51-6.

номланади. Бу усул систем тилшуносликда тил бирликларининг маъно томонини ўрганишда асосий усул сифатида тан олинган¹. Чунки мазкур усул саноқли семалар ёрдамида сон - саноқсиз семемалар ва сўзларнинг маъно таркибини аниқлаш, изоҳлаш ва тавсифлаш имконини беради. Шу жиҳатдан КТ моҳиятига кўра моддий дунёда Д.И.Менделеев даврий жадвалидаги элементларни эслатади. Чунки семалар моҳияти кимёвий элементларга ўхшайди. Бир элемент турли бирикувларда турли моддалар таркибида иштирок этиб, хилма - хил моддаларни вужудга келтиргани каби, бир сема юзлаб ва ҳатто минглаб сўзларнинг маъно тузилишида элемент сифатида иштирок этади. Шунинг учун мазкур усулнинг келажаги порлоқдир. У худди кимёда моддаларни таркибий қисмларга ажратиш характерига эгадир.

Маълумки, КТ усули дастлаб фонологияда, кейинчалик грамматикада (Р.Якобсон, А.Мартине асарларида), сўнгра семантиканда қўлланила бошланди. Ҳозирги тилшуносликда КТ дан лексик, морфологик ва синтактик бирликлар маъносининг таҳлилида фойдаланилмоқда².

Демак, КТ орқали тилнинг система сифатида ички тузилишини, хусусан, тил семантик системасининг структур тузилиши сирларини билиш имконига эга бўламиз. КТ усули семантик майдонлар назариясининг узвий давомидир. Бу ҳақда «Основы компонентного анализа» номли асарнинг 3-бобида алоҳида фикр юритилган³.

Маълумки, Шарқда сўзларнинг семантик майдонига эътибор бериш қадим даврлардан бошланган⁴. Бунинг исботини Замахшарийнинг «Муқаддимат-ул адаб» (1128-1143 й.) ва Чингийнинг «Келурнома» (1659-1707 й.) луғатларида кўриш мумкин. Ушбу луғатларда тил бойлиги муайян семантик майдонлар бўйича тасниф қилиниб, ҳар бир семантик майдон луғатнинг алоҳида қисми

¹ Нематов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1995, 66-б.

² Гулига Е.В., Шендельс Е.И. О компонентном анализе значимых единиц языка// Принципы и методы семантических исследований. - М., 1976.

³ Ахманова О.С. и др. Основы компонентного анализа. - М., МГУ, 1969. -С.45-64.

⁴ Исломов З.М. Махмуд Замахшарий «Муқаддимат ул-адаб» асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни. Филол.фан.д-ри дисс. автореф. - Тошкент, 1998, 45 -б.

сифатида берилган¹. Аммо бу луғатларда семантик майдонларга фақат амалий жиҳатдан ёндашилган. Сўз семантик майдонининг назарий жиҳатларини ишлашга эътибор берилмаган.

Сўз семантик майдонини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга, асосан, немис тилшуноси Й.Трир асос солган. У «Немис тилидаги сўз бойлигини семантик майдонларда ўрганиш» монографиясида сўз маъносини, асосан, тушунчаларга боғлаб тадқиқ қилган². Шунинг учун ҳам Й.Трир сўз майдонини тушунчалар майдонидан келиб чиқкан ҳолда гурухлайди. Олимнинг фикрича, ҳар бир тушунча майдони сўзлар билан ҳамиша қопланган бўлади, унинг бирортаси бўш қолмаслиги зарур. Ҳар бир тушунча майдонини ифодаловчи сўзлар сўз семантик майдонини ташкил қиласи. Сўз ўз майдонидагина маъно беради ва ундан ташқарида бунинг акси бўлади. Сўз маъносининг ривожланиши тушунча майдонининг сўзларда қайта тақсимланишидир. Й.Трирнинг фикрларини, фалсафа нуқтай назаридан, ҳақ деб ҳисоблаш мумкин. Чунки инсоният объектив борлиқ ҳақида тушунчага эга бўлгач, уни ифодалаш учун сўзларни яратди. Сўзларнинг яратилиши эса, шубҳасиз, шу тилда сўзлашувчи халқ тушунчалари билан боғлиқдир. Демак, объектив борлиқ ҳақидаги тушунчаларнинг тараққиёти, ўз навбатида, сўз бойлиги ва ундаги маъно тараққиётига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mukhsinovna, Akhmedova Dilsora. "Meaning Structure of Moving Verbs in English and Uzbek." Journal of Pedagogical Inventions and Practices 8 (2022): 162-164.
2. Akhmedova Dilsora Mukhsinovna, Umrzoqova Ozoda. (2023). ENGLISH AS A GLOBAL LANGUAGE. INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY, 3(5), 1310–1313.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7997970>

¹ Исломов З.М. Кўрсатилган афтореферат, 46-б.

² Trier J. Einleitung // Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes. - Heidelberg. 1931; шу муаллиф. Sprachliche Felder // Zeitschrift fur deutsche Bildung. 1932, Bd.8.Nf.9.-S.417-425.

3. Абдурахмонов И. Полисемия и антонимия прилагательных протяженности в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... канд. филол. наук.- Ташкент , 1967.
4. Ахманова О.С. и др. Основы компонентного анализа. - М., МГУ, 1969. -С.45-64.
5. Khamdamova, Sitora Bakhshilloyevna. "Mythological Themes and Motives in William Butler Yeats' Poetry." Spanish Journal of Innovation and Integrity 6 (2022): 147-150.
6. Safarova, Z. (2022). G‘afur G‘ulom asarlarida yetim bola hayoti va yetimlikka munosabatning yoritilishi . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 22(22). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/ar
7. Khodjaeva D. ТЕРМИНОЛОГИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ: РАЗВИТИЕ, ОБОГАТЕНИЕ И ХАРАКТЕРИСТИКА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
8. Toirova, U. «The Interpretation of Zoosemy through the Symbol of Monkey in the Stories of N.Eshonqul “Maymun Yetaklagan odam(The Man Leading the Monkey) and W.W.Jacob’s “The Monkey’s Paw”
9. Toirova Umida Sobirovna A Teacher of English Literature Department Bukhara». ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), т. 1, вып. 1, июнь 2021 г., http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1952.
10. Khayatovna, Niyazova Mokhichekhra. "CLASSIFICATION OF USUAL WAYS OF WORD FORMATION IN THE RUSSIAN LANGUAGE." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.2 (2023): 200-203.
11. Khayotovna, N. M. "The Use of Riddles in the Speech of Characters in English and Uzbek Literature". INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION, vol. 1, no. 4, Oct. 2022, pp. 60-65, <http://inter-publishing.com/index.php/IJISE/article/view/169>
12. Radjabova Dildora Rakhimovna. (2023). PSYCHOLOGY IN LITERATURE. Academicia Globe: Inderscience Research, 4(03), 275–278. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/PK7SE>
13. Shamamedova Zinnat Xayrulloyevna. "DEVELOPMENT OF THE DETECTIVE GENRE IN AMERICAN LITERATURE". International Journal Of Literature And Languages, vol. 3, no. 03, Mar. 2023, pp. 24-33, doi:10.37547/ijll/Volume03Issue03-06

47

Тожиев Илхом Ибраимович, & Жумакулова Зилола Шухрат кизи. (2023). НЕКОТОРЫЕ ЭЛЕМЕНТАРНЫЕ СВОЙСТВА ИДЕМПОТЕНТНЫХ ВЕРОЯТНОСТНЫХ МЕР. SCHOLAR, 1(15), 280–285.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8024948>

48

Hayitova Nazokat Jumayevna. (2023). DINIY MATNLARDA QO'LLANILADIGAN IBORALARNING DINIY NUTQ USLUBIDA QO'LLANILISHI VA SINTAKSIS XUSUSIYATLARI. SCHOLAR, 1(15), 286–289.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8024996>

49

Ubaydullayev Alisher Abdusalomovich. (2023). "DEVONI HIKMAT" ASARINING LINGVISTIK TAHLILI. SCHOLAR, 1(15), 290–298.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8025005>

50

Bazarova Xolida Ergashevna. (2023). AFOQOVANING "YUSUF" SHE'RI. SCHOLAR, 1(15), 299–305. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8025009>

51

Sabirbaeva Aziza Nizamatdinovna. (2023). JASLARDI SHAÑARAQ TURMISINA TAYARLAW PSIXOLOGIYALIQ MASHQALA SIPATINDA. SCHOLAR, 1(15), 306–309. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8025023>

52

Qo'chqorov Astonaqul Musurmonqulovich. (2023). XORIJIY OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MAGISTRATURA TA'LIMI. SCHOLAR, 1(15), 310–317. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8025101>

53

Ахмедова Дилсора Мухсиновна. (2023). ДУНЁ ТИЛШУНОСЛИГИДА КОМПОНЕНТ ТАҲЛИЛ УСУЛИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ. SCHOLAR, 1(15), 318–323. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8033224>

54

Omonxonov Javlon Abdumutallibxon o'g'li. (2023). BE'MANI VAXSHIYLIK QURBONI BO'LGAN DUNYO MO'JIZASI. SCHOLAR, 1(15), 324–328. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8033252>

55

Eshto'xtarova Munira. (2023). O'ZBEK TILI MILLIY LINGVISTIK ATLASINI YARATISH MASALALARI VA UNING AYRIM MUAMMOLARI. SCHOLAR, 1(15), 329–332. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8033282>

56

Ochilov Ulug'bek Musurmon o'g'li. (2023). TOLERANTLIK VA MILLATLARARO TOTUVLIK – TARAQQIYOT OMILI TAMOYILINING YOSHLAR TARBIYASIDAGI AHAMIYATI. SCHOLAR, 1(15), 333–335. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8033294>

57

Burqutbayeva M. (2023). "MEHR KO'RSATISH" AKSIOLOGIK KONSEPTI TADQIQI. SCHOLAR, 1(15), 336–340. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8033302>